O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 23 июль, № 145 (4808) Пайшанба


**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, иқтидорли ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ўзига хос ўрин тутади.**

Ҳисор тоғ тизмалари этагидаги хушҳаво Мироқи қўрғонида жойлашган "Лочин" болалар оромгоҳида ўтказилган "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаолларининг анъанавий ёзги ўқув машғулотлари ана шу ғамхўрликнинг узвий давомидир.

Жараён

Чунончи, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси грантларининг соҳиблари, "Келажак овози" кўрик-танлови ғолиблари, ёшлар ташаббуслари марказларининг фаоллари 14 кун давомида ўқув машғулотларини ўтказиш билан бирга, тоғ ҳавосидан баҳраманд бўлиб, боғлар қўйнида, тошқин дарё соҳилларида ҳордиқ чиқардилар.

Истеъдодли йигит-қизлар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан танлаб олинган. Ҳар қайсиси маълум бир соҳанинг билимдони, ёшлар етакчиси.

— Хорижий тиллар факультетида ўқийман, — дейди Миллий университетнинг 4-курс талабаси Дилфуза Тожиева. — Журналистикага қизиқаман. Шунинг учун ҳам бу ерда матбуот марказида шуғулландим. Ҳар куни деворий газета чиқардик, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар тайёрладик. Тайёрлаган материалларимиз оромгоҳдагилар учун қизиқарли бўлгани, шубҳасиз.

(Давоми 8-бетда).



Ж. НОРҚОБИЛОВ олган сурат.



Ўзбекистон иқтисодиёти:

## ФИДОЙИЛИК, ИЗЧИЛЛИК ВА ЮКСАЛИШ

Фахр

**2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида мамлакатимизда ички талабни кенгайтириш билан бирга, экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилгани натижасида:**

- экспорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш учун тижорат банклари томонидан **81** миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди;
- ана шу корхоналарга қайтариб берилган қўшимча қиймат солиғи ҳажми **21** миллиард сўмни ташкил этди;
- бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича жарима ва пенялардан кечган ҳолда, электр энергияси, табиий газ етказиб бериш ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун қарийб **56** миллиард сўмлик қарздорлик реструктуризация қилинди;
- тижорат банклари кредитлари бўйича эса жарима ва пенялардан кечган ҳолда, **54,5** миллиард сўм, **65** миллион доллар ва **8** миллион евро миқдоридаги қарздорлик ҳам реструктуризация қилинди;
- экспортни янада диверсификация қилиш ва янги ташқи бозорларга чиқиш экспорт дастури бўйича **13,4** фоизлик ўсиш таъминланди.

***Ҳар жиҳатдан етук ва соғлом, миллий қадриятлар ва умуминсоний тамойиллар асосида камолга етган фарзанд оила ва жамиятнинг мустаҳкам таянчи, мамлакат келажагининг муҳим кафолатидир. Мамлакатимизда навқирон авлодни ана шундай муҳим тамойиллар асосида камолга етказиш вазифасига истиқлолнинг илк йилларидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.***

## ТИББИЙ КЎРИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Юртимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофазалаш, улғайиб келаётган авлодни юқумли касалликларга қарши эмлаш ишларини йўлга қўйиш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли дастур ва лойиҳалар ўз самараларини бераётир.

Қарор ва ижро

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш борасидаги ишлар натижасида кейинги йилларда оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Профилактика, диагностика ишлари тобора юксалаётгани боис кўплаб оғир хасталикларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволашга эришилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган ишларни кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича 2009-2013 йилларга мўлжалланган давлат дастури ишлаб чиқилди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, тиббий илмий марказлар, соғлиқни сақлаш муассасалари бу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

(Давоми 8-бетда).

## ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ

**Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида республика Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида "Соғлом она — соғлом бола" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

Анжуман

Унда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси йўлида олиб борилаётган амалий чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти ҳамда келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида сўз борди.

(Давоми 2-бетда).

## ИСЛОҲОТЛАРДАН БОШ МАҚСАД – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

***Тошкентда 20-21 июль кунлари "Замонавий Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар: бугунги аҳвол ва истиқбол" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси, Миллий демократия институти (АҚШ) ва Европа халқаро муносабатлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Унда Буюк Британия, Германия, АҚШ, Япония, Голландия, Ҳиндистон, Россия, Украина, Туркия, Эрон, Хитой, Қувайт, Покистон ва Марказий Осиё давлатларидан экспертлар иштирок этди. Улар Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, жамиятни модернизация қилиш ва демократик янгилашнинг асосий йўналишлари, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросини муҳокама этдилар.

Форум иштирокчиларининг маъруза ва чиқишларида Ўзбекистон шароитида амалда синалган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг "ўзбек модели" республикамизни барқарор, изчил ва жадал ривожлантиришни таъминлаётгани алоҳида қайд этилди. Мамлакатни босқичма-босқич ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ушбу модели, унинг машҳур асосий беш тамойили ўзининг муҳимлиги ва истиқболли эканини амалда исботлади. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий соҳани ислоҳ қилиш борасидаги ўзига хос тажрибаси халқаро экспертлар ва сиёсий доиралар эътиборини янада кўпроқ ўзига жалб этмоқда.

Форумнинг хорижий иштирокчилари мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши соҳасида тизимли ҳамда изчил амалга оширилаётган туб ўзгаришлар натижасида самарали фаолият кўрсатадиган мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш тизими, хусусан, мустақил парламент, суд тизими ташкил этилганини таъкидладилар. Амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимизнинг кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясини рўёбга чиқариш борасида қўлга киритган ютуқларидан далолатдир. Ўзбекистонда жойларда муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кенг кўламли ваколатларга эга бўлмоқда, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратилди. Мамлакатимизда энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими шакллантирилди.

Халқаро давра суҳбати иштирокчиларининг маъруза ва чиқишларида сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг жадал ва барқарор ривожланаётгани мамлакатни тараққий эттириш бўйича

(Давоми 2-бетда).

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

## ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Унда одам савдосига қарши курашиш бўйича Наманган ва Самарқанд вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссияларининг фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда одам савдоси жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масалалардан биридир. Кўлами ва қамрови тобора кенгайиб бораётган мазкур трансмиллий жиноий фаолият турига қарши курашиш ҳар бир давлат ва нодавлат ташкилотларининг муҳим вазифаларидандир.

(Давоми 2-бетда).

## ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

***Аввал хабар қилганимиздек, шу кунларда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида ғаллакорларимизнинг меҳнат зафарларига бағишланган "Ҳосил байрамлари" қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари томонидан шодиёна сифатида кенг нишонланмоқда.***

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Тўрткўл тумани марказида улкан ғалла хирмонига муносиб ҳисса қўшиб, шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажарган ғаллакорларни рағбатлантиришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда илғор фермер ва деҳқонлар, таниқли ёзувчи ҳамда шоирлар, санъаткорлар иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикасида бошоқли дон етиштириш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Бунда Тўрткўл тумани деҳқонларининг ўзига яраша ўрни борлиги йиғинда алоҳида айтиб ўтилди. Зеро, жорий йилда тумандаги 224 та фермер хўжалиги ерларида ғалланинг "Половчанка", "Таня", "Крошка" сингари серҳосил навлари парваришланиб, 10 минг тоннадан ортиқ ҳосил йиғиштириб олинди. "Чорвадор", "Қурамбой доктор", "Ражаббой-М", "Дилшод-Шоҳзод", "Қурбонбой бобо" каби кўплаб фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 40-50 центнерни ташкил этгани қувонарлидир.

Тадбирда туманнинг мавсумда юқори натижага эришган илғор фермер хўжаликларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

**СУРХОНДАРЁ.** Жарқўрғон тумани ғаллакорларининг бу йилги қувончлари ўзгача. Сабаби, улар деҳқончилик қилган 9330 гектар майдондан ўртача 54 центнердан ошириб ҳосил олдилар.

Етиштирилган ғалланинг 27 минг тоннадан кўпроғи давлатга сотилди. 1650 тонна уруғлик дон тайёрланди. Тумандаги "Жарқўрғон", "Элёр Жаҳонгир", "Ҳавохон Абдуллаева", "Абдумўмин Жўраев" сингари юзлаб фермер хўжаликлари мамлакатимизда ўзларига яратиб берилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, юқори унумдорликка эришмоқда.

Озод ва обод юрт байрамлари

Туманда бўлиб ўтган "Ҳосил байрами"да шу каби етакчи фермер хўжаликларига қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

**САМАРҚАНД.** Жорий йилда самарқандлик ғаллакорлар баракали ҳосил уйдилар. Бунда 5 минг 970 гектар майдонда деҳқончилик қилган Пахтачи тумани фермерларининг улуши, айниқса, салмоқли бўлди. Улар ўтган йилдагидан 5 минг тонна кўп, жами 36 минг 400 тонна сара дон етиштирдилар. Шунинг 18 минг 765 тоннаси давлатга сотилди. Шартнома мажбуриятни 108 фоизга бажарилди. Тупроқ ва иқлим шароитига мос нав танлангани, агротехника тадбирлари ўз вақтида уддалангани гектаридан 61 центнердан ҳосил олиш имконини берди.

Зиёвуддин шаҳарчасида бўлиб ўтган тантанада Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми йил сайин ортиб бораётгани, хусусан, ғаллачилик тармоғида энг юқори кўрсаткичларга эришилгани алоҳида таъкидланди. Фермерларнинг экин майдонлари оптималлаштирилиб, уларга етарли шарт-шароитлар яратилгани муваффақиятларни янада мустаҳкамламоқда.

Деҳқону фермерлар, сувчию комбайнчилар, қўйингки, барча дала меҳнаткашлари тўкин дастурхон атрофида жам бўлдилар. Тадбир доирасида бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида мўл ҳосил яратган фермерлар, комбайн операторлари, сувчи ва механизаторларга мукофотлар, эсдалик совғалари топширилди.

— Ҳар гектар ердан 63 центнердан ғалла олдик, — дейди "Ҳосилот — Фарҳод — Барака" фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Мирзаев. — 110 тоннаси давлатга сотилди, ўзимизга 92 тонна буғдой қолди. Пировардида ҳаммамизнинг омборимиз донга тўлди. Димоғимиз чоғ. Айниқса, Президентимизнинг ғаллакорларга йўллаган табриги бизни руҳлантириб юборди. Юксак ишончни ўз меҳнат муваффақиятларимиз билан оқлашга ҳаракат қилаверамиз.

"Ҳосил байрами"да шоир ва ёзувчилар, фан ва маданият намояндалари, санъаткорлар иштирок этгани тантанага алоҳида файз бағишлади.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

# ИСЛОҲОТЛАРДАН БОШ МАҚСАД — ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

танланган моделнинг ҳаётийлиги ва самарадорлигини исботлагани қайд этилди. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қўрилаётган ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастури ва ижтимоий дастурларда кўзда тутилган тизимли чора-тадбирлар мамлакатимизга глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал секторини жадал ва мувозанатли ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш имконини беради.

Форумда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазалашга хизмат қилиши таъкидланди. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда мустақил суд ҳокимиятинининг яхлит тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва у муваффақиятли ҳал этилди. Жиноий жазолар тизимини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини босқичма-босқич ҳамда изчил эркинлаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинди, "Хабеас корпус" институти фаол жорий этилмоқда. Ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари устунлигини, уларни ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

Қуйида халқаро давра суҳбати чет эллик иштирокчиларининг маъруза ва чиқишларидан парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз:

**Кларк Плексико, Миллий демократия институти вакили (АҚШ):** "Ўзбекистонни демократик янгилаш йўналишида ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар мени ҳайратга солди. Ушбу тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатингиз кўплаб ютуқларга эришди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ҳаётнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, фуқаролик жамиятининг демократик қадриятлар ва принциплар, одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этиш даражасини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Демократия концепция сифатида турли босқичли ривожланиш жараёни ҳисобланади. Бу борада ҳеч ким бир хил поғонада турмайди ва ҳеч ким ушбу йўлдан бир хил суръатда олдинга ҳаракат қилолмайди. Энг муҳими, барчамиз битта йўналишда ҳаракат қиляпмиз. Халқаро амалиёт сайловларни шунчаки ўтказиш демократия эмаслигини кўрсатди. Демократик ривожланиш муайян мамлакатлар тарихи, иқтисодиёти ва маданиятини ҳисобга олиши лозим. Барча мамлакатларнинг бир хил демократик модель бўйича ривожланишини кутиш мантиққа зид".

**"Минтақавий мулоқот" нодавлат ташкилоти директори Мьюша Север (Словения):** "Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат қурилиши, иқтисодиёт соҳасида улкан ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатингизнинг, биринчи навбатда, ўлим жазосини бекор қилиш, Жиноят кодексини эркинлаштириш борасидаги ютуқлари кўпгина мамлакатлар учун намуна бўла олади. Ўзбекистон катта салоҳиятга эга ва сиёсий барқарорлиги, кучли давлатчилиги, аҳолисининг ёшлиги ва интеллектуал салоҳиятининг юксаклиги ҳамда ривожланган инфратузилмага эгалиги туфайли минтақадаги етакчи давлат ҳисобланади.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, жумладан, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мактаб дастурларидан жой олди, унинг амалга оширилиши эса давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Парламентнинг ролини кучайтириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Давлат ва нодавлат ташкилотлар айни пайтда биргаликда ишлаш зарурлигини тушунади. Ўзбекистон модели сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида бошқа мамлакатлар учун намуна бўлиши мумкин".

**Детлав Краа, "Шарқий Европада бозор иқтисодиёти ва демократияни ривожлантириш" бирлашмаси раҳбари:** "Ўзбекистонда сиёсий партиялар тобора фаоллашаётгани кўзга ташланмоқда. Улар ўртасида кузатилаётган очиқ баҳслар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Булар бўлажак сайловлар ва парламент фаолиятининг очиқ ҳамда ошкоралигини таъминлаш имконини беради". Шунингдек, эксперт таъкидладики, "тадрижий ислоҳотларнинг муваффақиятли сиёсати Ўзбекистонга иқтисодий талатўплардан қочиш, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш имконини берди. Мамлакатингизда амалга оширилаётган оқилона ва мувозанатли иқтисодий сиёсат туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистонга деярли таъсир кўрсатгани йўқ. Давлат бош ислоҳотчи этиб белгиланган Ўзбекистонни иқтисодий ислоҳ қилиш тамойили ўзини тўла оқлади. Жаҳонда юзага келаётган давлат ва унинг тузилмалари молиявий инқирозга қарши туришга қодир ягона кучга айланган вазият танловнинг тўғрилигидан далолат беради. Давлат бош ислоҳотчи сифатида замонавий фуқаролик жамияти барпо этиш учун ҳам масъулдир. Ўзбекистон иқтисодиётни модернизация қилишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган. Бу борада иқтисодиётни диверсификация қилиш ва саноатни ривожлантириш ишлари амалга оширилмоқда". Унинг сўзларига кўра, бу ўзининг ижобий самарасини бермоқда. "Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати янада кенг эътироф этилмоқда. Бугун бутун жаҳон янги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришга интилмоқда", деди эксперт.

**Баҳром Амираҳмадиён, Теҳрон университети ўқитувчиси, Россия, Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш бўйича "ИРАС" марказининг илмий кенгаши аъзоси:** "2007 йили Ўзбекистонда ўтган Президент сайловида тўрт нафар номзод иштирок этган эди. Бу сайлов жараёнининг ошкоралигидан далолат беради. Сайлов барча жойда тўғри ўтказилди, фуқаролик жамияти институтлари вилоятларда фаол ишлади. Ўзбекистон ислом динининг маданий пойтахтидир. Бугунги кунда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларнинг кўплаб ижобий натижалари кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон миллий ҳамжиҳатлиги, ўзига хослиги билан минтақадаги энг кучли ва илғор мамлакатга айланишга қодир. Ўзбекистонда одамлар ўз давлат раҳбари ва ҳукуматига ишонади. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ва ҳукумат ўртасидаги мустаҳкам ишончдан далолатдир. Кўплаб мамлакатларда иқтисодий инқироз авж олганига қарамай, давлатингиз нафақат иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритишига, балки унинг юқори ва муттасил ўсиш суръатларини таъминлашга эришди".

**Антон Финько, Киев сиёсий тадқиқотлар ва конфликтология марказининг етакчи эксперти (Украина):** "Ўзбекистонда профессионал парламентга, пухта ташкил этилган кўп партияли тизимга ўтиш билан боғлиқ ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Айнан партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. Олий Мажлис қуйи палатасига сайловлар тўғрисидаги қонунга киритилган охирги ўзгартишлар ҳам бундан далолат беради. Шу тариқа, энди ташаббускор гуруҳлар эмас, балки фақат партиялар сайловларда иштирок этади. Менимча, бу ижобий ҳолат, негаки сиёсий тизимнинг ташкилий даражаси партия таркибий қисмининг кучига боғлиқ. Қонунчиликда парламентдаги кўпчилик институти ҳуқуқий мустаҳкамланган ва мухолифат ҳуқуқлари белгиланган. Парламент фракцияларининг вазифалари қайд этилган. Ошкораликка асосланган сиёсат воситаларини мустаҳкамлаш демократик жараённи ривожлантиришни рағбатлантиради. Сиёсий партиялар эса уларнинг энг муҳимидир".

**Гулшан Сачдева, Ж. Неру номидаги университет профессори, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик масалалари бўйича эксперт (Ҳиндистон):** "Ўзбекистон сўнгги 10-15 йил мобайнида демократлаштириш борасида улкан тараққиётга эришди. Кейинги бир неча йилда Ўзбекистонда ўтказилган сайловлар шуни кўрсатдики, аҳоли сайловлар жараёни, сайловларда фаол иштирок этишдан кўриладиган манфаат ҳақида янада кенгроқ хабардор бўлмоқда. Бу борада аҳолининг фаоллиги кўзга ташланаётгани сайлов жараёнини таъминлаш учун асосий платформа ҳисобланади".

**Жеральд Лофтус, Европа халқаро муносабатлар институти вакили:** "Мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби билан яқиндан танишиб чиқдим. Ундаги чуқур таҳлилни алоҳида таъкидлашни истайман. Ишончим комилки, китобда глобал инқироз оқибатларини юмшатиш бўйича баён этилган стратегия кўплаб мамлакатлар учун фойдали бўлади. Айниқса, "Янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг" деган ғоя жуда фойдали, деб ўйлайман. Қитъаларни боғлаб турувчи жуда қизиқарли ўхшашлик бор. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов "энди аввалги марраларга қайтиш ҳақида сўз юритишга асос йўқ"лигини ва "ўтиш даврида давлатнинг ислоҳотчилик роли"ни таъкидлайди. Францияда Президент Николя Саркози "банклар иқтисодий ўсишни молиялаш ўрнига чайқовчилик билан шуғулланаётганидан" ташвишда. У "XXI аср иқтисодиётини XX аср воситалари билан бошқаришни давом эттириш" мумкин эмаслигини қайд этади. Америкада АҚШ Президенти Барак Обаманинг сўзларига қараганда, ҳукумат фаолияти самарадорлиги ҳақидаги масалани қўйиш муҳимдир. Бизнинг раҳбарларимиз барча жойда "янги уй" учун пойдевор қўйишда иштирок этмоқда ва айни пайтда бугун биз яшаётган уйларнинг дарз кетган жойларини асл ҳолига келтирмоқда.

Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши нафақат бугунги инқирозни бартараф этишни таъминлайди, балки келгусида иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда эркинлаштиришга хизмат қилади".

**Детлеф Зиммерманн, Британия — Ўзбекистон жамияти ижроия кенгаши аъзоси:** "Иқтисодчи сифатида Ўзбекистон танлаган иқтисодий сиёсатнинг тўғрилигини алоҳида таъкидламоқчиман. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Ўзбекистонда ҳатто, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам юқори иқтисодий ўсишнинг таъминланиши мамлакатингиз иқтисодий сиёсати тўғрилигини исботлайди. Ўзбекистонда миллий манфаатларга мос иқтисодий сиёсат амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ўз молиявий манбалари ва ресурсларига таяниб иш кўрмоқда. Негаки, бу мамлакатингизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлайди. Бундай оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистонда барқарор иқтисодий юксалиш кузатилмоқда".

**Сюй Сяотянь, Замонавий халқаро муносабатлар академияси Марказий Осиё бўлимининг етакчи илмий ходими (ХХР):** "Глобаллашув даврида замонавий саноат асосан ривожланган ва қулай транспорт-коммуникация инфратузилмаси мавжуд минтақаларда жойлашган. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт ҳудудида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилмоқда. Бу ерда жаҳон стандартларига мос ва дунё бозорида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бу, шак-шубҳасиз, саноатни модернизация қилишга катта ижобий таъсир кўрсатади ва Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилади. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил этиш бутун минтақани иқтисодий ривожлантириш моделига айланишига ишончим комил".

**Манабу Шимизу, Тейке университети иқтисодиёт факультети профессори (Япония):** "Дунёнинг кўплаб давлатлари тўқнаш келган энг мураккаб муаммо, бу — мамлакатга қисқа муддат асосида кирадиган капиталлар оқимини давлат томонидан тегишли равишда назорат қилишни таъминлаш билан боғлиқ. Ўзбекистон ушбу вазифани муваффақиятли ҳал этмоқда. Бундан ташқари, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга оид сиёсат, Ўзбекистон танлаган иқтисодий ва сиёсий модель қисқа муддат ичида ўзининг самараларини бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Бу, аввало, янги корхоналар ташкил этиш, бизнес билан шуғулланиш, масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр ёшлар онгидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Айнан шу омиллар келгусида иқтисодий ўсишни таъминлашга ёрдам беради".

Халқаро давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқаро майдонда янада кенг эътироф этилаётганини алоҳида таъкидладилар. Муҳими, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошланган туб ўзгаришлар самаралари фуқароларнинг кундалик ҳаётида ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Экспертлар ўзгармас қадриятлар — инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар марказида бўлгани ва ҳамиша шундай бўлиб қолишини таъкидладилар. Ўзбекистоннинг давлат қурилиши ва иқтисодий ислоҳотларга оид ноёб тажрибасини ўрганиш бўйича бошланган мулоқотни келгусида ҳам давом эттириш истагини билдирдилар.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуманда алоҳида таъкидланганидек, Президентимизнинг жорий йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда жорий йилнинг 1 июлидаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воята етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорларида белгиланган йўналишлар бу борада дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида сўнгги йилларда туғиш ёшидаги аёллар ҳамда гўдаклар ўлимининг сезиларли даражада камайишига эришилди. Шу боис бугунги кунда аҳолининг кенг қатламлари орасида соғлом турмуш тарғиботини янада кучайтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмонан ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш юзасидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар, жойларда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган "Саломатлик ҳафталиги" тадбирлари эл саломатлиги муҳофазаси йўлидаги хайрли ишларнинг яна бир амалий тасдиғидир.

Юртимизнинг энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларида замонавий шифо масканлари фаолият кўрсатаётганлиги анжуманда алоҳида қайд этилди. Айни пайтда тиббиёт ходимлари, кенг жамоатчилик, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ўқув масканларининг ҳамжиҳатликда иш олиб бориши, аҳоли орасида тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилаётган эътиборни янада кучайтиришни давр тақозо этмоқда. Негаки, бугунги кунда аҳолининг кенг қатламлари орасида қариндошлар ўртасидаги никоҳга чек қўйиш ва бу билан ногирон фарзандлар туғилишининг олдини олиш ҳамда никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш айни заруратга айланди. Шу билан бирга, эрта ёшдаги ва исталмаган ҳомиладорликка йўл қўймаслик, қолаверса, йилига икки марта шифокор кўригидан ўтиш сингари долзарб масалаларга, афсуски, ҳануз лоқайдлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари учраётир.

Йиғилишда соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассисларининг шу ва бошқа мавзулардаги маърузалари тингланди. Шундан сўнг журналистларни қизиқтирган саволлар юзасидан батафсил маълумотлар берилди. Бу борада оммавий ахборот воситалари ходимларининг фикр-мулоҳаза ва таклифлари эшитилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭРКИН ФАОЛИЯТ КАФОЛАТИ

**Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли солиқ борасида ҳам аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар яратиб берилмоқда, соҳада кўплаб янгиликларга қўл урилмоқда.**

**Тадбир**

Айтиш жоизки, бундай ўзгаришлар ўтган йили ҳаётга татбиқ этилган янги таҳрирдаги "Солиқ кодекси"да ўз ифодасини топган. Бундан солиқ тўловчиларни бохабар этишда, табиийки, тарғибот-ташвиқот ишларининг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда давлат молиясини ислоҳ қилиш" қўшма лойиҳаси айни шу мақсадда олиб борилаётган ишлар жумласидандир.

Кеча пойтахтимизда мазкур лойиҳа доирасида "Камерал назорат, молиявий ва солиқ ҳисоботларининг таҳлили" ҳамда "Солиқ қонунчилиги, солиқ маъмурчилиги ва солиқ мажбуриятларини бажариш" мавзуларида семинарлар бўлиб ўтди.

Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу семинарларда Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси мутахассислари ва туман солиқ инспекциялари инспекторлари иштирок этди.

Таъкидландики, бугунги кунда тизимда қўлланилаётган янгиликлардан бири камерал назорат усулидир.

Бу усул бир қанча қулайликларга эга. Хусусан, солиқ тўловчининг фаолияти солиқ ва бошқа тегишли органларда мавжуд бўлган ҳисоботларга асосан назорат қилиб борилади. Бу усул орқали, шунингдек, турли солиқ ҳуқуқбузарликларини аниқлаш, олдини олиш, мавжуд камчиликларга ўз вақтида тузатиш киритиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, камерал назорат солиқ тўловчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган жараёндир.

Маълумки, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшимча иш ўринларини яратиш муҳим вазифалар сирасига киради. Солиқ соҳасидаги ўзгариш ва имтиёзлар эса тадбиркорларга эркин фаолият юритишлари учун кафолат бериш билан бирга, улардан қонун асосида ишлашларини ҳам талаб этади.

Фаол баҳс-мунозара шаклида ўтган семинарларда тадбир иштирокчилари нафақат янгиликлар билан танишиш, балки ўз билим ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унинг олдини олишда одам савдосига имкон яратаётган сабаб ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, бу борада, асосан, аҳоли бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Йиғилишда мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишда барча ваколатли идораларнинг кучини бирлаштириш ва ишларни ҳам-

## Идоралараро комиссия йиғилиши

корликда самарали ташкил этиш Идоралараро комиссиянинг асосий вазифаси эканлиги қайд этилди. Шу билан бирга, жойларда одам савдоси жиноятларига қарши курашишда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги танқид остига олинди. Юқорида айтиб ўтилган ҳудудий идоралараро комиссия раисларининг ҳисоботлари эшитилди.

Республика Идоралараро комиссияси, унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, тегишли идораларнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги тадбирда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, одам савдосига қарши курашишни янада кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг қарори ижро этиш учун тегишли идораларга юборилди.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси.**

# ОЗОД ВАТАННИНГ БАХТЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

***Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида "Биз — мустақил юрт фарзандларимиз!" мавзуида болалар бадиий ижодиёти фестивали бўлиб ўтди.***

**Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига**



Ҳ. ПАЙДОЕВ олган сурат.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда пойтахтимиздаги мактаблар қошида фаолият кўрсатаётган 36 та болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган ўғил-қизлар иштирок этди. Тадбир доирасида турли қизиқарли беллашувлар ўтказилиб, санъатга иштиёқманд болалар иштирокида бадиий дастурлар намойиш этилди. Хусусан, жамоалар "Гўзал ва обод шаҳрим — Тошкентим" мавзуида асфальтга расм чизиш, мусиқа ва рақс санъати, спорт ҳамда бошланғич техник моделлаштириш йўналишларидаги ижодий мусобақаларда ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

Фестиваль якунига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга Учтепа туманидаги 44-мактаб қошидаги "Камалак" оромгоҳи жамоаси лойиқ деб топилди. Иккинчи ўрин Сергели туманидаги 284-мактаб қошидаги "Гулзор" ва Юнусобод туманидаги 273-мактаб оромгоҳига насиб этди. Миробод туманидаги 83-мактабнинг "Умид" оромгоҳи ҳамда "Ҳамза" туманидаги 149-мактаб болалар оромгоҳи жамоаси эса учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Тадбирда пойтахтимиздаги ўқувчилар ижодиёт марказларининг бадиий жамоалари ижросида мусиқий дастур намойиш этилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 21 апрелдаги "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича жорий йилнинг ўтган беш ойида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.***

# ҚИНҒИР ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

**Назорат**

Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши кураш кетаётган айни даврда тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ишонч телефонлари орқали қилинган мурожаатларга амалий ёрдам кўрсатиш бошқарма ходимларининг асосий вазифаларидан бири бўлаётир.

Бошқарманинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, нақд пул тушумларининг банкларга тўлиқ топширилишини таъминлаш юзасидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида 210 та хўжалик юритувчи субъектдан 365,4 миллион сўмлик нақд пулнинг банкка топширилиши таъминланди. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида жами 32 та қонунбузарлик ҳолати аниқланди.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Бошқарманинг Тўрткўл тумани бўлими ходимлари томонидан қилинган таҳлиллар натижасида "Авезова Нилуфар" масъулияти чекланган жамиятининг мансабдор шахслари 2008 йилнинг 17 март — 13 сентябрь оралиғида 224 миллион 973 минг 200 сўмлик ёнилғи мойлаш материаллари савдосидан тушган маблағларни банк кассасига топширмаганликлари ҳамда бу билан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари қўпол равишда бузилганлиги боис, уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Давлат рўйхатидан ўтмасдан, ҳеч қандай ҳужжатсиз, демак, ноқонуний асосда ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган "сохта тадбиркорлар" фаолиятига қарши ҳам самарали кураш олиб борилмоқда. Хусусан, бошқарманинг Беруний тумани бўлими Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Беруний тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан ўтказган тадбир пайтида фуқаро А. Сапаров уйида электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб, пахта чигитидан ўсимлик ёғи ишлаб чиқараётгани аниқланди. Текширув жараёнида аниқланган жами 348,5 минг сўмлик товар моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиниб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Республика ҳудудида чет эл валюталарининг ноқонуний айланиши ҳамда уларнинг жисмоний шахслар томонидан қонунга хилоф равишда сотилиши юзасидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида 21 та ана шундай ҳолат аниқланди. Жами 22500 АҚШ доллари, 1 миллион 200 минг Қозоғистон тенгеси, 153 минг 590 Россия рубли ҳамда 6 миллион 900 минг сўм ашёвий далил сифатида олинди. Мисол учун, Шуманай тумани деҳқон бозорида жойлашган хусусий дўконларнинг бирида фуқаро Б. Асқаров фуқаро К. Косбергановга 5000 АҚШ долларини жами 9 миллион сўмга сотаётганида ушланди. Воқеа жойида Б. Асқаровга тегишли 5000 АҚШ доллари мусодара қилинди.

Таассуфки, мамлакатимизда яратиб берилаётган кўплаб имтиёзларга қарамасдан, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни давлат бюджетига тўламай келаётганлиги ҳолатлари ҳам учрамоқда. Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ана шундай 40 та қонунбузарлик ҳолати аниқланди ва улар бўйича жиноят ишлари қўзғатилди.

Мана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, жумладан, содир этилган ҳар қандай қинғирликнинг пайи қирқилиши муқаррарлигини одамлар онгига етказиш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш мақсадида турли тадбирлар, учрашувлар ташкил этилаётгани айни муддао бўлмоқда. Зеро, қонун доирасида фаолият юритишнинг асосий мезони ушбу қонунлардан бохабарликдир.

**Жангабой ШАНИЁЗОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.**

| Т/р | Ютуқ миқдори (сўм) | Ҳудуд | Филиал | Муассаса | Ҳисоб-варақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1531 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | СП-20 |
| 1532 | 5000 | Самарқанд вилояти | Тайлоқ филиали | "Сочак" минибанки | СП-23 |
| 1533 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-387 |
| 1534 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-394 |
| 1535 | 5000 | Сирдарё вилояти | Гулистон филиали | 014-шохобча | СП-2 |
| 1536 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | 0492-шохобча | СП-23 |
| 1537 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 031-шохобча | СП-7 |
| 1538 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Оқмангит филиали | 01-шохобча | СП-11 |
| 1539 | 5000 | Наманган вилояти | Тошбулоқ филиали | 015-шохобча | СП-34 |
| 1540 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-230 |
| 1541 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-183 |
| 1542 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 06-шохобча | СП-16 |
| 1543 | 5000 | Тошкент шаҳар | Миробод филиали | 0359-шохобча | СП-7 |
| 1544 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 013-шохобча | СП-9 |
| 1545 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | СП-3 |
| 1546 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-139 |
| 1547 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Жарқўрғон филиали | 031-шохобча | СП-10 |
| 1548 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-689 |
| 1549 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-692 |
| 1550 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-779 |
| 1551 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 03-шохобча | СП-1 |
| 1552 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт бўлими | 046-шохобча | СП-1 |
| 1553 | 5000 | Бухоро вилояти | Ф.Хўжаев филиали | 078-шохобча | СП-1 |
| 1554 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-529 |
| 1555 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-534 |
| 1556 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-621 |
| 1557 | 5000 | Тошкент вилояти | Чиноз филиали | 048-шохобча | СП-261 |
| 1558 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 044-шохобча | СП-12 |
| 1559 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Элликқалъа филиали | 025-шохобча | СП-9 |
| 1560 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | СП-3 |
| 1561 | 5000 | Самарқанд вилояти | Тайлоқ филиали | "Сочак" минибанки | СП-6 |
| 1562 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-377 |
| 1563 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-366 |
| 1564 | 5000 | Сирдарё вилояти | Янгиер филиали | Амалиёт бўлими | СП-42 |
| 1565 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | 0436-шохобча | СП-11 |
| 1566 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | 09-шохобча | СП-12 |
| 1567 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 07-шохобча | СП-157 |
| 1568 | 5000 | Наманган вилояти | Тошбулоқ филиали | 015-шохобча | СП-15 |
| 1569 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-211 |
| 1570 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-832 |
| 1571 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-919 |
| 1572 | 5000 | Тошкент шаҳар | Миробод филиали | 0199-шохобча | СП-5 |
| 1573 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 010-шохобча | СП-12 |
| 1574 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-122 |
| 1575 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-112 |
| 1576 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Жарқўрғон филиали | 025-шохобча | СП-57 |
| 1577 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-672 |
| 1578 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-762 |
| 1579 | 5000 | Хоразм вилояти | Қораул филиали | Амалиёт бўлими | СП-9 |
| 1580 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 02-шохобча | СП-1 |
| 1581 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт бўлими | 035-шохобча | СП-4 |
| 1582 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | 020-шохобча | СП-44 |
| 1583 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | СП-20 |
| 1584 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-512 |
| 1585 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-517 |
| 1586 | 5000 | Тошкент вилояти | Чиноз филиали | 048-шохобча | СП-225 |
| 1587 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тўрткўл филиали | 013-шохобча | СП-4 |
| 1588 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 025-шохобча | СП-13 |
| 1589 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Элликқалъа филиали | 014-шохобча | СП-4 |
| 1590 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нуробод филиали | Амалиёт бўлими | СП-1 |
| 1591 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-353 |
| 1592 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-360 |
| 1593 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-173 |
| 1594 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | 0293-шохобча | СП-2 |
| 1595 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 027-шохобча | СП-11 |
| 1596 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | 07-шохобча | СП-6 |
| 1597 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 07-шохобча | СП-140 |
| 1598 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-182 |
| 1599 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-98 |
| 1600 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-815 |
| 1601 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-902 |
| 1602 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 05-шохобча | СП-11 |
| 1603 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Амударё филиали | 019-шохобча | СП-6 |
| 1604 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-105 |
| 1605 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-655 |
| 1606 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-658 |
| 1607 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-745 |
| 1608 | 5000 | Хоразм вилояти | Хонқа филиали | 029-шохобча | СП-13 |
| 1609 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт бўлими | 030-шохобча | СП-6 |
| 1610 | 5000 | Бухоро вилояти | Қоракўл филиали | 030-шохобча | СП-14 |
| 1611 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | 020-шохобча | СП-27 |
| 1612 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | СП-3 |
| 1613 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-500 |
| 1614 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-587 |
| 1615 | 5000 | Тошкент вилояти | Чиноз филиали | 048-шохобча | СП-169 |
| 1616 | 5000 | Тошкент шаҳар | Бектемир филиали | 0462-шохобча | СП-6 |
| 1617 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Элликқалъа филиали | 012-шохобча | СП-4 |
| 1618 | 5000 | Самарқанд вилояти | Пайшанба филиали | "Мойбулоқ" минибанки | СП-27 |
| 1619 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-336 |
| 1620 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 06-шохобча | СП-241 |
| 1621 | 5000 | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | СП-21 |
| 1622 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | СП-63 |
| 1623 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 023-шохобча | СП-8 |
| 1624 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 07-шохобча | СП-123 |
| 1625 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 045-махсус касса | СП-9 |
| 1626 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-158 |
| 1627 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-81 |
| 1628 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-885 |
| 1629 | 5000 | Тошкент шаҳар | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | СП-11 |
| 1630 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 03-шохобча | СП-4 |
| 1631 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-78 |
| 1632 | 5000 | Самарқанд вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-13 |
| 1633 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-638 |
| 1634 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-640 |
| 1635 | 5000 | Хоразм вилояти | Хонқа филиали | 016-шохобча | СП-2 |
| 1636 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Чимбой филиали | 034-шохобча | СП-19 |
| 1637 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт бўлими | 04-шохобча | СП-7 |
| 1638 | 5000 | Бухоро вилояти | Қоракўл филиали | 026-шохобча | СП-5 |
| 1639 | 5000 | Самарқанд вилояти | Тайлоқ филиали | 015-шохобча | СП-3 |
| 1640 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-477 |
| 1641 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-570 |
| 1642 | 5000 | Тошкент шаҳар | Учтепа филиали | Амалиёт бўлими | СП-18 |
| 1643 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 05-шохобча | СП-14 |
| 1644 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | 06-шохобча | СП-9 |
| 1645 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 04-шохобча | СП-52 |
| 1646 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-319 |
| 1647 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-326 |
| 1648 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 06-шохобча | СП-209 |
| 1649 | 5000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-22 |
| 1650 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 022-шохобча | СП-1 |
| 1651 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | 02-шохобча | СП-4 |
| 1652 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 09-махсус касса | СП-2 |
| 1653 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-66 |
| 1654 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-781 |
| 1655 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-868 |
| 1656 | 5000 | Тошкент шаҳар | Тошкент шаҳар филиали | 0142-шохобча | СП-17 |
| 1657 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Амударё филиали | "Кангли" минибанки | СП-1 |
| 1658 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-71 |
| 1659 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-61 |
| 1660 | 5000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | "Навоий-1" минибанки | СП-1 |
| 1661 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-623 |
| 1662 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-711 |
| 1663 | 5000 | Хоразм вилояти | Гурлан филиали | 023-шохобча | СП-1 |
| 1664 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Чимбой филиали | 015-шохобча | СП-16 |
| 1665 | 5000 | Бухоро вилояти | Қоракўл филиали | 021-шохобча | СП-18 |
| 1666 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | СП-92 |
| 1667 | 5000 | Самарқанд вилояти | Тайлоқ филиали | 04-шохобча | СП-75 |
| 1668 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-460 |
| 1669 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-553 |
| 1670 | 5000 | Тошкент вилояти | Чиноз филиали | 048-шохобча | СП-49 |
| 1671 | 5000 | Тошкент шаҳар | Учтепа филиали | Амалиёт бўлими | СП-1 |
| 1672 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 047-шохобча | СП-15 |
| 1673 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 04-шохобча | СП-35 |
| 1674 | 5000 | Самарқанд вилояти | Булунғур филиали | 046-шохобча | СП-6 |
| 1675 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-302 |
| 1676 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-309 |
| 1677 | 5000 | Сирдарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-3 |
| 1678 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | СП-29 |
| 1679 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 018-шохобча | СП-38 |
| 1680 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | 01-шохобча | СП-2 |
| 1681 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-201 |
| 1682 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-84 |
| 1683 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-49 |
| 1684 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-764 |
| 1685 | 5000 | Тошкент шаҳар | Тошкент шаҳар филиали | 0133-шохобча | СП-18 |
| 1686 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | "Кокшиел" минибанки | СП-15 |
| 1687 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | 022-шохобча | СП-10 |
| 1688 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-54 |
| 1689 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | "Мирбозор" минибанки | СП-1 |
| 1690 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-604 |
| 1691 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-606 |
| 1692 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-694 |
| 1693 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Чимбой филиали | 013-шохобча | СП-10 |
| 1694 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Мўйноқ филиали | 016-шохобча | СП-17 |
| 1695 | 5000 | Бухоро вилояти | Қоракўл филиали | 021-шохобча | СП-1 |
| 1696 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | СП-75 |
| 1697 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-443 |
| 1698 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-449 |
| 1699 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-530 |
| 1700 | 5000 | Тошкент вилояти | Чиноз филиали | 048-шохобча | СП-6 |
| 1701 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 015-шохобча | СП-57 |
| 1702 | 5000 | Самарқанд вилояти | Жомбой филиали | 02-шохобча | СП-1 |
| 1703 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-292 |
| 1704 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 06-шохобча | СП-163 |
| 1705 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-991 |
| 1706 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | 07-шохобча | СП-16 |
| 1707 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 07-шохобча | СП-72 |
| 1708 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-184 |
| 1709 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-49 |
| 1710 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-747 |
| 1711 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-834 |
| 1712 | 5000 | Тошкент шаҳар | Тошкент шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | СП-39 |
| 1713 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 016-шохобча | СП-12 |
| 1714 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-37 |
| 1715 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-27 |
| 1716 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 011-шохобча | СП-6 |
| 1717 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-587 |
| 1718 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-677 |
| 1719 | 5000 | Фарғона вилояти | Марғилон филиали | 039-шохобча | СП-1 |
| 1720 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тўрткўл филиали | 051-шохобча | СП-2 |
| 1721 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Мўйноқ филиали | 04-шохобча | СП-12 |
| 1722 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | СП-58 |
| 1723 | 5000 | Самарқанд вилояти | Тайлоқ филиали | "Боғизоғон" минибанки | СП-31 |
| 1724 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-426 |
| 1725 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-432 |
| 1726 | 5000 | Тошкент вилояти | Қибрай филиали | 037-шохобча | СП-3 |
| 1727 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | 0576-шохобча | СП-20 |
| 1728 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 042-шохобча | СП-4 |
| 1729 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | СП-10 |
| 1730 | 5000 | Наманган вилояти | Тошбулоқ филиали | 015-шохобча | СП-72 |
| 1731 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-268 |
| 1732 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-275 |
| 1733 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 06-шохобча | СП-120 |
| 1734 | 5000 | Тошкент шаҳар | Мирзо Улуғбек филиали | 0357-шохобча | СП-14 |
| 1735 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 018-шохобча | СП-4 |
| 1736 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | 03-шохобча | СП-13 |
| 1737 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 014-шохобча | СП-88 |
| 1738 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 015-шохобча | СП-2 |
| 1739 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-726 |
| 1740 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-730 |
| 1741 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-817 |
| 1742 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 010-шохобча | СП-14 |
| 1743 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | Амалиёт бўлими | СП-6 |
| 1744 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-20 |
| 1745 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-10 |
| 1746 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-570 |
| 1747 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-572 |
| 1748 | 5000 | Тошкент вилояти | Олмалиқ филиали | 029-шохобча | СП-8 |
| 1749 | 5000 | Андижон вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-7 |
| 1750 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | СП-41 |
| 1751 | 5000 | Самарқанд вилояти | Тайлоқ филиали | "Боғизоғон" минибанки | СП-17 |
| 1752 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-415 |
| 1753 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-462 |
| 1754 | 5000 | Сирдарё вилояти | Оқолтин филиали | Амалиёт бўлими | СП-15 |
| 1755 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | 0576-шохобча | СП-2 |
| 1756 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қонликўл филиали | Амалиёт бўлими | СП-4 |
| 1757 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | "У.Хотамов" минибанки | СП-73 |
| 1758 | 5000 | Наманган вилояти | Тошбулоқ филиали | 015-шохобча | СП-55 |
| 1759 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-251 |
| 1760 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 06-шохобча | СП-86 |
| 1761 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-957 |
| 1762 | 5000 | Тошкент шаҳар | Миробод филиали | "Авлоний" минибанки | СП-6 |
| 1763 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 014-шохобча | СП-71 |
| 1764 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-150 |
| 1765 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Жарқўрғон филиали | 029-шохобча | СП-184 |
| 1766 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-710 |
| 1767 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-800 |
| 1768 | 5000 | Тошкент шаҳар | Тошкент шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | СП-5 |
| 1769 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 08-шохобча | СП-6 |
| 1770 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт бўлими | 052-шохобча | СП-9 |
| 1771 | 5000 | Навоий вилояти | Зарафшон филиали | Амалиёт бўлими | СП-10 |
| 1772 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | СП-58 |
| 1773 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-552 |
| 1774 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-555 |
| 1775 | 5000 | Тошкент вилояти | Чиноз филиали | 048-шохобча | СП-287 |
| 1776 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тўрткўл филиали | 027-шохобча | СП-2 |
| 1777 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Мўйноқ филиали | Амалиёт бўлими | СП-5 |
| 1778 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Элликқалъа филиали | "Қирққизобод" минибанки | СП-4 |
| 1779 | 5000 | Самарқанд вилояти | Тайлоқ филиали | "Сочак" минибанки | СП-27 |
| 1780 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 08-шохобча | СП-391 |
| 1781 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-398 |
| 1782 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | 0492-шохобча | СП-27 |
| 1783 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 031-шохобча | СП-11 |
| 1784 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Оқмангит филиали | 09-шохобча | СП-6 |
| 1785 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | "У.Хотамов" минибанки | СП-56 |
| 1786 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-234 |
| 1787 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-189 |
| 1788 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 06-шохобча | СП-40 |
| 1789 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-940 |
| 1790 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 013-шохобча | СП-13 |
| 1791 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | СП-7 |
| 1792 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-143 |
| 1793 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-133 |
| 1794 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-693 |
| 1795 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-696 |
| 1796 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-783 |
| 1797 | 5000 | Хоразм вилояти | Қораул филиали | Амалиёт бўлими | СП-31 |
| 1798 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт бўлими | 046-шохобча | СП-5 |
| 1799 | 5000 | Бухоро вилояти | Ф.Хўжаев филиали | 078-шохобча | СП-5 |
| 1800 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Қамаши филиали | 014-шохобча | СП-1 |
| 1801 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | СП-41 |
| 1802 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-538 |
| 1803 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-625 |
| 1804 | 5000 | Тошкент вилояти | Чиноз филиали | 048-шохобча | СП-265 |
| 1805 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тўрткўл филиали | 023-шохобча | СП-3 |
| 1806 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Элликқалъа филиали | 030-шохобча | СП-3 |
| 1807 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | СП-7 |
| 1808 | 5000 | Самарқанд вилояти | Тайлоқ филиали | "Сочак" минибанки | СП-10 |
| 1809 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-374 |
| 1810 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-380 |
| 1811 | 5000 | Сирдарё вилояти | Гулистон филиали | Амалиёт бўлими | СП-4 |
| 1812 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | 0492-шохобча | СП-10 |
| 1813 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 028-шохобча | СП-12 |
| 1814 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 07-шохобча | СП-161 |
| 1815 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-215 |
| 1816 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-156 |
| 1817 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-923 |
| 1818 | 5000 | Тошкент шаҳар | Миробод филиали | 0199-шохобча | СП-9 |
| 1819 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 010-шохобча | СП-16 |
| 1820 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Амударё филиали | 026-шохобча | СП-5 |
| 1821 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-116 |
| 1822 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Жарқўрғон филиали | 025-шохобча | СП-82 |
| 1823 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-676 |
| 1824 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-679 |
| 1825 | 5000 | Хоразм вилояти | Қораул филиали | Амалиёт бўлими | СП-14 |
| 1826 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 02-шохобча | СП-5 |
| 1827 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт бўлими | 035-шохобча | СП-8 |
| 1828 | 5000 | Бухоро вилояти | Ф.Хўжаев филиали | 013-шохобча | СП-11 |
| 1829 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | СП-24 |
| 1830 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-516 |
| 1831 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-521 |
| 1832 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-608 |
| 1833 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тўрткўл филиали | 019-шохобча | СП-5 |
| 1834 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 031-шохобча | СП-1 |
| 1835 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Элликқалъа филиали | 016-шохобча | СП-3 |
| 1836 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Чироқчи филиали | 032-шохобча | СП-1 |
| 1837 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-357 |
| 1838 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-364 |
| 1839 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-345 |
| 1840 | 5000 | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳар филиали | 02-шохобча | СП-42 |
| 1841 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 027-шохобча | СП-15 |
| 1842 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | 07-шохобча | СП-10 |
| 1843 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 07-шохобча | СП-144 |
| 1844 | 5000 | Наманган вилояти | Тошбулоқ филиали | 015-шохобча | СП-2 |
| 1845 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-102 |
| 1846 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-819 |
| 1847 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-906 |
| 1848 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Амударё филиали | 020-шохобча | СП-3 |
| 1849 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-109 |
| 1850 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-99 |
| 1851 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Жарқўрғон филиали | 025-шохобча | СП-96 |
| 1852 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-662 |
| 1853 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-749 |
| 1854 | 5000 | Хоразм вилояти | Хонқа филиали | 044-шохобча | СП-1 |
| 1855 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | Амалиёт бўлими | СП-12 |
| 1856 | 5000 | Бухоро вилояти | Қоракўл филиали | 030-шохобча | СП-25 |
| 1857 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | 020-шохобча | СП-31 |
| 1858 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | СП-7 |
| 1859 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-591 |
| 1860 | 5000 | Тошкент вилояти | Чиноз филиали | 048-шохобча | СП-182 |
| 1861 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тўрткўл филиали | 01-шохобча | СП-2 |
| 1862 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 016-шохобча | СП-10 |
| 1863 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 01-шохобча | СП-58 |
| 1864 | 5000 | Самарқанд вилояти | Пайшанба филиали | "Мойбулоқ" минибанки | СП-31 |
| 1865 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-340 |
| 1866 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-347 |
| 1867 | 5000 | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | СП-25 |
| 1868 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | СП-67 |
| 1869 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 023-шохобча | СП-12 |
| 1870 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | 06-шохобча | СП-6 |
| 1871 | 5000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 06-шохобча | СП-3 |
| 1872 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-162 |
| 1873 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-85 |
| 1874 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-802 |
| 1875 | 5000 | Тошкент шаҳар | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | СП-15 |
| 1876 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 03-шохобча | СП-8 |
| 1877 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Амударё филиали | 012-шохобча | СП-5 |
| 1878 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-92 |
| 1879 | 5000 | Самарқанд вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-17 |
| 1880 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-642 |
| 1881 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-645 |
| 1882 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-732 |
| 1883 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Чимбой филиали | 034-шохобча | СП-23 |
| 1884 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт бўлими | 027-шохобча | СП-3 |
| 1885 | 5000 | Бухоро вилояти | Қоракўл филиали | 027-шохобча | СП-4 |
| 1886 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | 020-шохобча | СП-14 |
| 1887 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-481 |
| 1888 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-487 |
| 1889 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-574 |
| 1890 | 5000 | Тошкент вилояти | Чиноз филиали | 048-шохобча | СП-108 |
| 1891 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 011-шохобча | СП-2 |
| 1892 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Элликқалъа филиали | 06-шохобча | СП-3 |
| 1893 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 04-шохобча | СП-56 |
| 1894 | 5000 | Самарқанд вилояти | Пайшанба филиали | "Мойбулоқ" минибанки | СП-14 |
| 1895 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-330 |
| 1896 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 06-шохобча | СП-215 |
| 1897 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | СП-50 |
| 1898 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | 04-шохобча | СП-1 |
| 1899 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 07-шохобча | СП-110 |
| 1900 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | 09-махсус касса | СП-6 |
| 1901 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-140 |
| 1902 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-785 |
| 1903 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-872 |
| 1904 | 5000 | Тошкент шаҳар | Тошкент шаҳар филиали | 0331-шохобча | СП-14 |
| 1905 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 01-шохобча | СП-18 |
| 1906 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-75 |
| 1907 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-65 |
| 1908 | 5000 | Самарқанд вилояти | Ургут филиали | 081-шохобча | СП-1 |
| 1909 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-625 |
| 1910 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-715 |
| 1911 | 5000 | Хоразм вилояти | Хонқа филиали | 02-шохобча | СП-2 |
| 1912 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Чимбой филиали | 015-шохобча | СП-20 |
| 1913 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт бўлими | 01-шохобча | СП-2 |
| 1914 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | СП-96 |
| 1915 | 5000 | Самарқанд вилояти | Тайлоқ филиали | 08-шохобча | СП-4 |
| 1916 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-470 |
| 1917 | 5000 | Тошкент вилояти | Чиноз филиали | 048-шохобча | СП-65 |
| 1918 | 5000 | Тошкент шаҳар | Учтепа филиали | Амалиёт бўлими | СП-5 |
| 1919 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 047-шохобча | СП-1 |
| 1920 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | 04-шохобча | СП-6 |
| 1921 | 5000 | Самарқанд вилояти | Пахтачи филиали | Махсус касса | СП-5 |
| 1922 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-306 |
| 1923 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-313 |
| 1924 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 06-шохобча | СП-192 |
| 1925 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | СП-33 |
| 1926 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 020-шохобча | СП-1 |
| 1927 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Шуманай филиали | 01-шохобча | СП-6 |
| 1928 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 07-шохобча | СП-93 |
| 1929 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-90 |
| 1930 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-53 |
| 1931 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-768 |
| 1932 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-855 |
| 1933 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 01-шохобча | СП-1 |
| 1934 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | 031-шохобча | СП-1 |
| 1935 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-58 |
| 1936 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-608 |
| 1937 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-610 |
| 1938 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-698 |
| 1939 | 5000 | Фарғона вилояти | Бешариқ филиали | 034-шохобча | СП-5 |
| 1940 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Мўйноқ филиали | 019-шохобча | СП-4 |
| 1941 | 5000 | Бухоро вилояти | Қоракўл филиали | 021-шохобча | СП-5 |
| 1942 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | СП-79 |
| 1943 | 5000 | Самарқанд вилояти | Тайлоқ филиали | 04-шохобча | СП-62 |
| 1944 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-453 |
| 1945 | 5000 | Тошкент вилояти | Чиноз филиали | 048-шохобча | СП-11 |
| 1946 | 5000 | Тошкент шаҳар | Чилонзор филиали | 0285-шохобча | СП-1 |
| 1947 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | 01-шохобча | СП-9 |
| 1948 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 015-шохобча | СП-61 |
| 1949 | 5000 | Самарқанд вилояти | Жомбой филиали | 07-шохобча | СП-1 |
| 1950 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-289 |
| 1951 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 06-шохобча | СП-171 |
| 1952 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-995 |
| 1953 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | СП-16 |
| 1954 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 018-шохобча | СП-25 |
| 1955 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 07-шохобча | СП-76 |
| 1956 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-188 |
| 1957 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-56 |
| 1958 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-10 |
| 1959 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-838 |
| 1960 | 5000 | Тошкент шаҳар | Тошкент шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | СП-43 |
| 1961 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 020-шохобча | СП-2 |
| 1962 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | 020-шохобча | СП-8 |
| 1963 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-31 |
| 1964 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 012-шохобча | СП-4 |
| 1965 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-591 |
| 1966 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-593 |
| 1967 | 5000 | Фарғона вилояти | Риштон филиали | 03-шохобча | СП-1 |
| 1968 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Чимбой филиали | Амалиёт бўлими | СП-1 |
| 1969 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Мўйноқ филиали | 016-шохобча | СП-4 |
| 1970 | 5000 | Бухоро вилояти | Ғиждувон филиали | Амалиёт бўлими | СП-1 |
| 1971 | 5000 | Самарқанд вилояти | Тайлоқ филиали | 04-шохобча | СП-26 |
| 1972 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-430 |
| 1973 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-436 |
| 1974 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-504 |
| 1975 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | 0576-шохобча | СП-24 |
| 1976 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 042-шохобча | СП-8 |
| 1977 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | СП-14 |
| 1978 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 015-шохобча | СП-44 |
| 1979 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-272 |
| 1980 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-279 |
| 1981 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 06-шохобча | СП-125 |
| 1982 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-978 |
| 1983 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 018-шохобча | СП-8 |
| 1984 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | 03-шохобча | СП-17 |
| 1985 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | 014-шохобча | СП-92 |
| 1986 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-171 |
| 1987 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-730 |
| 1988 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-734 |
| 1989 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-821 |
| 1990 | 5000 | Тошкент шаҳар | Тошкент шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | СП-26 |
| 1991 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | 03-шохобча | СП-1 |
| 1992 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-24 |
| 1993 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-14 |
| 1994 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 03-шохобча | СП-14 |
| 1995 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-664 |
| 1996 | 5000 | Тошкент вилояти | Зангиота филиали | 024-шохобча | СП-1 |
| 1997 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тўрткўл филиали | 042-шохобча | СП-8 |
| 1998 | 5000 | Андижон вилояти | Пахтаобод филиали | Амалиёт бўлими | СП-2 |
| 1999 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | СП-45 |
| 2000 | 5000 | Самарқанд вилояти | Тайлоқ филиали | "Боғизоғон" минибанки | СП-21 |
| 2001 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-412 |
| 2002 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-472 |
| 2003 | 5000 | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ филиали | 022-шохобча | СП-5 |
| 2004 | 5000 | Тошкент шаҳар | Яккасарой филиали | 0576-шохобча | СП-6 |
| 2005 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 035-шохобча | СП-14 |
| 2006 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | "У.Хотамов" минибанки | СП-77 |
| 2007 | 5000 | Наманган вилояти | Тошбулоқ филиали | 015-шохобча | СП-59 |
| 2008 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-255 |
| 2009 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-262 |
| 2010 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-961 |
| 2011 | 5000 | Тошкент шаҳар | Миробод филиали | "Авлоний" минибанки | СП-14 |
| 2012 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 016-шохобча | СП-11 |
| 2013 | 5000 | Навоий вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-154 |
| 2014 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Жарқўрғон филиали | 029-шохобча | СП-102 |
| 2015 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 011-шохобча | СП-714 |
| 2016 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-717 |
| 2017 | 5000 | Тошкент шаҳар | Тошкент шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | СП-9 |
| 2018 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 08-шохобча | СП-10 |
| 2019 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт бўлими | 054-шохобча | СП-3 |
| 2020 | 5000 | Жиззах вилояти | Пахтакор филиали | 012-шохобча | СП-7 |
| 2021 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | Амалиёт бўлими | СП-62 |
| 2022 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-556 |
| 2023 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-559 |
| 2024 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-647 |
| 2025 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тўрткўл филиали | 027-шохобча | СП-6 |
| 2026 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Мўйноқ филиали | Амалиёт бўлими | СП-9 |
| 2027 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Элликқалъа филиали | "Қирққизобод" минибанки | СП-8 |
| 2028 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | СП-28 |
| 2029 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 08-шохобча | СП-395 |
| 2030 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-402 |
| 2031 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-444 |
| 2032 | 5000 | Сирдарё вилояти | Сайхунобод филиали | Амалиёт бўлими | СП-9 |
| 2033 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 031-шохобча | СП-15 |
| 2034 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Оқмангит филиали | 09-шохобча | СП-10 |
| 2035 | 5000 | Жиззах вилояти | Учтепа филиали | "У.Хотамов" минибанки | СП-60 |
| 2036 | 5000 | Наманган вилояти | Тошбулоқ филиали | 015-шохобча | СП-42 |
| 2037 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-197 |
| 2038 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 030-шохобча | СП-1 |
| 2039 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | СП-11 |
| 2040 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-437 |
| 2041 | 5000 | Жиззах вилояти | Амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | СП-1 |
| 2042 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-286 |
| 2043 | 5000 | Қашқадарё вилояти | Бешкент филиали | Амалиёт бўлими | СП-11 |
| 2044 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-741 |
| 2045 | 5000 | Наманган вилояти | Тошбулоқ филиали | 015-шохобча | СП-23 |
| 2046 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-671 |
| 2047 | 5000 | Тошкент вилояти | Тўйтепа филиали | 018-шохобча | СП-8 |
| 2048 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 015-шохобча | СП-520 |
| 2049 | 5000 | Тошкент шаҳар | Миробод филиали | "Авлоний" минибанки | СП-21 |
| 2050 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-368 |
| 2051 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 010-шохобча | СП-8 |
| 2052 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 024-шохобча | СП-823 |
| 2053 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Мўйноқ филиали | Амалиёт бўлими | СП-16 |
| 2054 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Қумқўрғон филиали | 023-шохобча | СП-753 |
| 2055 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Оқмангит филиали | 010-шохобча | СП-5 |
| 2056 | 5000 | Тошкент вилояти | Чиноз филиали | 048-шохобча | СП-197 |

Давоми 7-бетда

# ТИББИЙ КЎРИКНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасидан маълум қилишларича, пойтахтимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, туғуруқ ёшидаги аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизмат кўламини кенгайтириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни шакллантиришнинг жисмоний ва маънавий асосларини такомиллаштириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётир. Бу борада тиббиёт масканлари таълим муассасалари, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликдаги тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Оилавий поликлиникаларда оналар ва болалар, ўсмирлар, аёллар ва аҳолининг барча қатламларига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Педиатрия илмий тадқиқот институти, Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти олимлари ва етакчи мутахассисларининг бир гуруҳи ушбу шифо масканларида бўлиб, бирламчи тиббий муассасалар шифокорларига бу борада яқиндан кўмак бермоқда.

Ана шундай ҳамкорлик доирасида жорий йилнинг беш ойи мобайнида фертил ёшдаги аёлларнинг етмиш беш фоиздан кўпроғи тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг бир қисмида экстрагенетал, яъни ошқозон-ичак, буйрак, нафас йўллари ва бошқа аъзоларида муайян хасталиклар борлиги аниқланиб, тегишли тартибда соғломлаштирилмоқда.

Оилада соғлом фарзанд туғилишини таъминлашда никоҳдан ўтаётган ёшларни тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш тадбирлари ўз самараларини бермоқда. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида пойтахтимизда саккиз минг нафардан кўпроқ бўлажак келин-куёв тиббий кўрикдан ўтди. Бу йўналишдаги фаолиятни амалга ошириш ҳар бир тумандаги муайян оилавий поликлиника зиммасига юкланган. Никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказадиган оилавий поликлиникаларнинг барчаси зарур тиббий асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари билан таъминланган.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 5-оилавий поликлиника ана шундай тиббиёт масканларидан бири. Ўн саккиз минг нафардан кўпроқ аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатувчи бу шифо маскани ушбу туманда истиқомат қилувчи бўлажак келин-куёвларни ҳам тиббий кўрикдан ўтказади. Бош шифокор Озода Иброҳимованинг айтишича, ўтган йили қарийб уч минг нафарга яқин йигит-қизга ана шу йўналишда тиббий хизмат кўрсатилган. Никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш учун келган йигит ва қизга ўз саломатлигини асраш, соғлом оилани шакллантириш бўйича зарур маълумотлар берилади. Бирламчи хасталиклар аниқланса, даволаниши учун зарур ёрдам кўрсатилади.

Бироқ амалга оширилаётган кенг кўламли тарғибот ишларига қарамасдан, баъзи юртдошларимиз ўз фарзандлари тақдирига етарли эътибор бермаган ҳолда, тиббий кўрикдан ўтмасдан, тўй қилиши ҳолатлари ҳам учрамоқда. Ана шундай бир жуфтлик тўйдан кейин тиббий кўрикка келди. Текширишлар жараёнида уларнинг бирида руҳий хасталик борлиги маълум бўлди. Натижада янги ҳаёт бошлаган ёшлар ажрашиб кетди.

— Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, оилада соғлом фарзандлар камолга етишини таъминлаш асосий вазифамиз, — дейди Юнусобод туманидаги 53-оилавий поликлиника бош шифокори Гулмира Қосимова. — Ана шу мақсадда маҳаллаларда, таълим масканларида кенг жамоатчилик иштирокида мунтазам тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдамиз. Бундай тадбирларда репродуктив саломатликка таъсир қилувчи омиллар, юқумли касалликларнинг оғир асоратлари, ўсмирларни, фертил ёшдаги аёлларни, оила қуриш арафасида турган ёшларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш самаралари хусусида атрофлича маълумот берамиз. Одамлар тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш фарзандлари келажаги учун катта имконият эканини яхши англаб етмоқда. Кейинги пайтларда бундай тадбирларга нафақат бўлғуси келин-куёвлар, балки қудалар ҳам қизиқиб келаётгани фикримизни тасдиқлайди. Чунки тиббий кўриклар жараёнида иккала ёшнинг саломатлиги изчил кузатувдан ўтказилиб, репродуктив саломатликка зарар қиладиган барча омиллар аниқланиб, самарали даволанмоқда.

Пойтахтимиз миқёсида ўтган беш ой мобайнида икки минг нафарга яқин бўлғуси келин-куёвларга ана шу йўналишда тиббий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, янги оила қурган ёшлар беш йилга қадар патронаж хизмати назоратига олинмоқда. Оила шифокорлари ва тегишли мутахассислар ёш келин-куёвларнинг саломатлигини мунтазам назорат қилиб бормоқда. Бирламчи касалликлар билан хасталанганлар ўз вақтида соғломлаштирилмоқда.

Ҳозирги кунда шифокорларимиз маҳаллаларда, ёшлар ва кенг аҳоли орасида тўйдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамиятини янада чуқур тарғиб этишга, соғлом оилани шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ишларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тўла етказишга катта эътибор қаратмоқда. Республика саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали бу йўналишда жойларда ўттиздан зиёд учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этди.

Келажак авлод камолотини кўзлаб амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар фарзандларимизнинг бахтли ҳаёт кечиришини таъминлашга, ёшларимизнинг жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришга, пировардида мамлакатимизнинг куч-қудратини ошириш ва жамиятимиз тараққиётини жадаллаштиришга хизмат қилади.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

## Умиджон — Осиё чемпиони!

***Филиппин пойтахти Манилада эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди.***

Эркин курашчилар баҳсида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Умиджон Усмонов (84 кг.) барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди ва Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Насибулла Қурбонов (50 кг.) кумуш, Алишоҳ Воҳидов (66 кг.) ва Амирхон Мирзаев (96 кг.) бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Юнон-рум кураши бўйича беллашувларда эса Баҳром Муродов (60 кг.), Азизбек Муродов (84 кг.), Мўминжон Абдуллаев (96 кг.) кумуш, Абдурашид Бердалиев (55 кг.) ва Ермахан Мамбетов (66 кг.) бронза медаллари билан тақдирланишди.

## Теннисчимиз кейинги босқичда

***Индианаполис (АҚШ)да теннис бўйича "Indianapolis Tennis Championships — 2009" халқаро турнири бошланди.***

Мукофот жамғармаси 600 минг АҚШ долларига тенг бўлган нуфузли мусобақада ҳамюртимиз Денис Истомин ҳам иштирок этмоқда. У биринчи турда мезбонлар вакили Кевин Кимга қарши кортга чиқиб, 2/6, 6/4, 6/4 ҳисобида зафар қучди.

Денис иккинчи турда яна бир америкалик теннисчи Жослен Уанне билан куч синашади.

## Нестеров «Бунёдкор»га ўтди

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ва "Пахтакор" клуби асосий дарвозабони Игнатий Нестеров келгуси фаолиятини "Бунёдкор"да давом эттиради.

У мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони билан уч ярим йил муддатга шартнома имзолади.

**Пойтахтимизда синхрон сузиш бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида Андижон спорт коллежи қизлари умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни эгалладилар.**

## Андижонлик қизлар шоҳсупада

Жумладан, Зайнабхон Мирзабоева, Мафтуна Ҳалимжонова, Рухсора Озодбекова ва Флорида Орзиева сингари сузувчи қизлар ўз маҳорат ва иқтидорини намойиш этиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдилар.

Энди андижонлик синхрончилар шу йилнинг 24-30 июль кунлари Бангкок (Таиланд) шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Наманганлик ёшлар спортнинг муайтай тури бўйича яхши натижаларга эришмоқдалар. Фарғона шаҳрида ўтказилган мамлакат биринчилигида ҳам вилоят вакиллари муваффақиятли иштирок этишди.***

## Муайтайчилар баҳси

Жумладан, 67 килограмм вазнли спортчилар ўртасида рингга чиққан Наманган Олимпия захиралари спорт коллежи талабаси Аъзамжон Абдуллаев барча рақибларидан устунлик қилиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Набижон Тўхтаев, Акрамжон Иброҳимов, Умиджон Нуриддинов эса кумуш медаль билан тақдирланишди. Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган наманганликларнинг яна беш вакилига бронза медали топширилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Бундан ўн бир йил муқаддам халқаро спорт тури сифатида дунёга чиққан миллий спорт туримиз — кураш аста-секин қитъавий ўйинларни ҳам забт этмоқда.***

## Кураш илк бор Осиё ўйинларида

Бугунги кунда дунёнинг 117 та давлатида кураш федерациялари фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг 1-9 август кунлари Таиланд давлати яккакураш спорт турлари бўйича биринчи Осиё ўйинларига мезбонлик қилади. Унда кураш бўйича ҳам расмий мусобақалар бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Кураш федерациясидан олинган хабарда айтилишича, нуфузли мусобақада Муқаддас Кўбаева, Гулмира Исматова, Ўктам Эргашев, Олим Равшанов, Ҳамро Примқулов, Азиз Темиров, Шерали Жўраев, Икром Нуруллаев сингари тажрибали спортчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, яккакураш спорт турлари бўйича ўтказиладиган Осиё ўйинлари дастуридан тўққизта спорт тури жой олган. Шулар орасида ўзбек курашининг ҳам борлиги қувонарлидир.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

Спорт ● Sport ● Спорт

# ТАНЛАШ ХАРИДОРДАН БЎЛСИН

***ёхуд маҳсулотлар рекламасидаги айрим ноўрин иборалар хусусида***

Мулоҳаза

Сир эмас, бугунги кунда ўзимиз учун зарур бирор маҳсулотни топишдан ҳам кўра, унинг сифатли ва ҳамёнбопини танлаб харид қилиш мушкулроқ жараён. Негаки, айни пайтда бозор расталари ёхуд дўкон пештахталарида бир турдаги буюмнинг ўнлаб, юзлаб номдагисини учратишингиз мумкин. Аслида, бу рақобатга асосланган фаолияту тадбиркорлик самараси. Бироқ ана шу жараёнда, истаймизми-йўқми, телерадио каналлари, газета-журналлар ва бошқа воситалар орқали реклама қилинаётган маҳсулотлар биринчи галда диққатимизни тортади ва уларни харид қилишга уринамиз.

"Луқманинг ҳалоллигига эътибор қилган кишининг рўзғорида барака бўлади." Ниҳоятда топқирлик билан айтилган гап, шундай эмасми? Бугун ойнаи жаҳон каналлари орқали пешма-пеш эфирга узатилаётган реклама роликидаги бу сўзларнинг гўшт ва колбаса маҳсулотларига нисбатан айтилганини англагач эса, беихтиёр ўйга толишингиз, шубҳасиз. Реклама роликидаги навбатдаги сўзлар бунинг далили: "... корхонасининг ҳалол гўшт ва колбаса маҳсулотлари сизга мунтазир". Ана холос! Наҳотки ушбу турдаги маҳсулотларни ҳалол ва ноҳалол (демак, ҳаром!)га ажратиш ва буни оммага ташвиқ қилиш тўғри бўлса?! Тўғри, ислом динига доир муқаддас китобларимизда "ҳалол" ва "ҳаром" тушунчалари, шу мезонлар асосида белгиланадиган амаллар бор. Шунга кўра, тақводор инсон ўзи учун ҳалол деб билган маҳсулотни ўзи танлаб истеъмол қилаверади. Ваҳоланки, бунинг учун маҳсулот устига "Ҳалол" дея ном қўйиб (шундай ном билан ишлаб чиқарилаётган колбаса бор!), уни ҳаммага кўз-кўз қилиш ёки буниси ҳалол, буниси ҳалол эмас, деб жар солишга ҳожат йўқ.

Маълумки, халқ орасида "ҳалол луқма" ибораси кенг маънода қўлланилади. Яъни, ҳалол йўл билан, ҳалол меҳнат эвазига топилган пул, даромад "ҳалол луқма" дея эътироф этилади. Лекин ҳалол тушунчасини маҳсулотга нисбатан покизалик, демакки, истеъмолга яроқли маъносида, тор доирада қўллаш ўринли бўлармикан?! Ахир фалон корхонада ишлаб чиқарилган егулик маҳсулотларини ҳалол, бошқасини ҳалол эмас, деб атасак ва буни ойнаи жаҳон орқали овоза қилсак, бу истеъмолчилар кўнглига оғир ботмасмикан? Негаки, кимдир "ҳалол" дея эътироф этилган егуликни истеъмол қилишни хуш кўрса, яна кимдир бу турдаги маҳсулотнинг бошқа хили, яъни шундай даъво билан чиқаётганларнинг таъбирича, айтайлик "ҳалол бўлмагани"га талабгордир. Демак, айни вазиятда истеъмолчи кўнглидан қандай хулосаларни ўтказиши керак? Боз устига, бу ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро рақобат қоидаларига тўғри келармикан?

Ҳайриятки, бундан бир неча йил аввал пойтахтдаги қатор ошхонаю тамаддихоналарга кираверишда катта-катта ҳарфлар билан ёзилган "Ҳалол таомлар", "Ҳалол таомларга марҳамат" каби пешлавҳаларни бугун деярли учратмаяпмиз. Эҳтимол, шу мавзуда билдирилган мулоҳаза ва таклифларнинг натижасидир бу!

Албатта, ҳар бир маҳсулотнинг, ҳар бир неъматнинг сифатини англатувчи қуйма иборалар бор. Масалан, қовуннинг сифати мақталганда, унинг тилни ёрар мазасини эслатиш кифоя. Ёхуд таомга таъриф берилганда, хушхўрлиги, хушбўйлиги, мазалилиги тилга олинади. Худди шунингдек, гўшт ва колбаса маҳсулотлари рекламасида ҳам маҳсулот "ҳалоллиги" эмас, аксинча унинг мазаси, таъми, сифати, тайёрлаш технологияси эътироф этилиб, харидорлар диққати жалб қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади, назаримизда. Унинг "ҳалол" ёки "ҳалол эмас"лигини билишни истаганлар учун эса маҳсулот қадоқланган ёзув остига унинг таркиби ҳақида қисқагина маълумот берилиши кифоя. Ўйлайманки, бундан ишлаб чиқарувчи корхона ҳам, харидору истеъмолчилар ҳам манфаатдор бўлишади. Зеро, рақобатда ҳам ҳалоллик деган мезон борлигини ва бунга амал қилиш маънавий бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз даркор.

**Фаррух БЎТАЕВ.**

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўтган ўқув йилида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг таълим грантига сазовор бўлган эдим, — деб суҳбатга қўшилди Қорақалпоғистон давлат университетининг 2-курс талабаси Несип Қалимбетов. — Бу ерда бизнес-лойиҳа тайёрлаш бўйича шуғулландим. Бизнинг гуруҳимизда 30 нафар билимдон, ташаббускор йигит-қиз бўлиб, улардан кўп нарсани ўргандим. Ўзим ҳуқуқшунослик факультетида ўқиётганим учун, асосан, бизнес-лойиҳаларнинг юридик жиҳатдан мукаммал бўлишига эътибор қаратдим.

— Мен Тошкент тиббиёт академиясининг 4-курсида таълим оламан, — дейди Бахтиёр Нурмуҳаммедов. — Мамлакатимизда илмга интилувчи ёшларга катта ғамхўрлик қилинаётганидан хурсандман. Ўзим "Иқтидорли талабалар учун стипендия" грантининг соҳибиман. Ўқиш билан бирга, илмий тадқиқотларда фаол қатнашаман. Бу ердаги тенгдошларим билан мулоқотлар жуда фойдали бўлди. Айниқса, ўзаро фикр алмашиш жараёнида янгидан-янги ғоялар туғилганини айтмайсизми?!



Бу йилги анъанавий ўқув машғулотларининг дастури долзарб мавзуга — жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиш йўлларини ўрганишга бағишланди. Ёшлар 6 та гуруҳга бўлинган ҳолда, меҳмонхона, ошхона, туризм, спорт, медиабизнес билан шуғулланишди. Бундан ташқари, биржа, суғурта хизмати кўрсатишга ихтисослашган гуруҳларда иқтисодий инқироз шароитида бизнесни ривожлантириш йўллари ўрганилди. Натижалар ўқув-оромгоҳи якунида чиқарилиб, иқтидорлилар рағбатлантирилди. Шак-шубҳасиз, бу ерда орттирилган тажриба ёшларнинг келгуси ҳаётида жуда асқотади.

— Мен икки йилдан буён "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилаётган ўқув-оромгоҳ қатнашчиларига устозлик қилаяпман, — дейди Тошкент жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети музокаралар лабораторияси мудири, амалий дипломатия кафедрасининг профессори Алишер Файзуллаев. — Ёшларнинг билимдонлиги, интилиши ва қатъиятини кўриб, мамлакатимизнинг келажаги буюклигига ишончим ортади. Аксарияти талаба бўлган бу йигит-қизлар эртага улғайиб, катта олим, кашфиётчи, моҳир иш бошқарувчи, етук сиёсатчи бўлиши аниқ. Уларнинг истиқболи учун юртимизда барча шароит яратилган. Ушбу тадбир ҳам ёшларга ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Ҳа, иқтидорли ёшлар — юртимизнинг келажаги. Улар бугунги кунда илм масканларида фан чўққиларини забт этишаяпти, эртага эса мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик кўрсатишади.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## «Ўзбекистон» НМИУ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги 173-сонли «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатли бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун тегишли малакага эга бўлган маслаҳатчини жалб этиш учун**

***очиқ танлов эълон қилади.***

***Таклифлар эълон чоп этилгандан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.***

**Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Навоий к., 30-уй. Телефонлар: 244-87-81, 244-34-01.**

## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:**

1. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 25 мартдаги 10-0904/917-сонли ижро варақасига асосан, хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Бакинская кўчаси, 179-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 2,262 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехларининг «П» ва «Р» блоклари.
***Бошланғич баҳоси — 340 000 000 сўм.***

2. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 25 мартдаги 10-0904/918-сонли ижро варақасига асосан, хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Бакинская кўчаси, 179-«А» уйда жойлашган цехнинг «Б» блоки, умумий майдони — 203,45 кв.м., цехнинг «З» блоки, умумий майдони — 382,68 кв.м., цехнинг «К» блоки умумий майдони — 382,68 кв.м., омборхона биносининг «В» блоки, умумий майдони — 483,68 кв.м. ва омборхона биносининг «Г» блоки, умумий майдони — 217,67 кв.м.
***Бошланғич баҳоси — 391 000 000 сўм.***

3. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 8 майдаги 10-0921/3754-сонли ижро варақасига асосан, хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Бакинская кўчаси, 179-«А» уйда жойлашган, икки қаватли, яшаш учун мўлжалланган уйнинг «Б» блоки, умумий майдони — 673 кв.м., ошхона биносининг «Г» блоки, умумий майдони — 50 кв.м. ва ишлаб чиқариш цехларининг «Д», «Е», «Ж» блоклар, умумий майдони — 2108 кв.м.
***Бошланғич баҳоси — 1 839 495 700 сўм.***

Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Чилонзор тумани судининг 2009 йил 22 апрелдаги ижро варақасига асосан, хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБга қарашли 1-сонли махсус жарима майдонида сақланаётган, «Ниссан Мурано» русумли, давлат рақами М86-86 бўлган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 70 800 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2009 йил 11 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Манзил: Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев к., 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.**

*Лицензия: DB 001 № 000004.*


## ОБ-ҲАВО

**(23 июль)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 22-27, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 22-27, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 38-40 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 37593 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.20 Топширилди — 04.55 1 2 3 5 6 7 8 9